



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 17 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (12.498)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



САЛМОҚЛИ ОДИМЛАР

Олмазор тумани пойтахтимизнинг sanoat ривожланган ҳудудларидан бири. Бугунги кунда ушбу туманда қўлаб йирик sanoat корхоналари, кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари хилма-хил истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Юқорида қайд этганимиздек, ҳудудда кейинги йилларда хусусий тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Айни кунларда ўзининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқараётган «Feedo idial» масъулияти чекланган жамияти шундай замонавий корхоналардан биридир.

Мазкур корхонага тараққий этган хорижий мамлакатлардан олиб келиб ўрнатилган замонавий технология ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини автоматик тарзда ташкил этиш имконини бераётди.

Корхона раҳбари Абдурашид Абдуллаевнинг айтишича, «Трастбанк»дан олинган сармоя тадбиркорнинг иш фаолиятини йўлга қўйишда катта кўмак бўлди. Мазкур корхона тўлиқ қувват билан ишга тушган, кунига ўртача бир ярим тонна печенье ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Қирқдан зиёд ёшлар иш билан таъминланади.

Ҳозирги кунда корхонада янги технологияларни ўрнатишда ва ишга туширишда малакали мутахассислар билан бир қаторда касб-хунар коллежларида замонавий билим ва таҳриба ўрганган иқтидорли ёшлар ҳам бир сафда туриб ишламоқда. Корхона

на операторлари Эркин Юсупов ва Йўлдошбек Ҳакимовлар ана шундай ёшлардан.

— Икки йил аввал Тошкент sanoat касб-хунар коллежини тугатиб, қандолатчиликка ихтисослашган кичик корхоналарда ишлаб келмоқдаман,— дейди Й.Ҳакимов. — Ўз соҳам бўйича замонавий технология асосида ишлайдиган янги йирик sanoat корхонаси очилганини эшитиб, шу ерга ишга келдим. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, фаолиятимни бошладим. Бу корхонада ишлаб баробарида соҳа мутахассисларидан тадбиркорлик сирларини ҳам ўрганишман. Келгусида мен ҳам ана шундай йирик корхона очиб аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ниятидаман. Бу орзуимни рўёбга чиқариш учун эса юртимизда барча имкониятлар яратилган.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида иш юритишни режалаштир-

ган ҳар бир инсон ўз орзуларини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Бунга биз сўз юритаётган «Feedo idial» масъулияти чекланган жамияти фаолияти аққол мисолдир. Корхонада банкдан олинган кредитни муддатидан анча олдин қайтариб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага ихтисослашган коллежларни тугатган малакали мутахассислар ишга жалб этилмоқда. Ишчиларнинг ишдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида корхона ҳудудида кичик боғ, дам олиш хоналари барпо этилган. Мамлакатимиз sanoatнинг ўзига хос салоҳиятини намоян этувчи бундай корхоналар юртимизда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш ва жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Моҳинур РАВШАНОВА

АБДУЛ АЗИЗ ИБН ҲОРУН: ИККИ ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИК ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Абдул Азиз ибн Ҳорун «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида юртимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган катта ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди:

«Миллий истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистонда эришилган улкан муваффақиятлар мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш борасида тўғри ва пухта ўйланган йўл танлаб олинганидан далолат беради, — деди у. — Малайзиянинг Ўзбекистондаги дипломатия миссияси раҳбари сифатида юртингизда мустақил ривожланиш йилларида кенг қўламли ислохотлар олиб борилганига шахсан гувоҳ бўлдим».

Малайзиялик дипломатнинг сўзларига қараганда, ижобий ўзгаришлар нафақат Тошкентда, балки республиканинг барча ҳудудларида, айниқса, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида замонавий шарт-шароитлар яратилаётган қишлоқ жойларда ҳам кўзга яққол ташланади. Унинг айтишича, бугунги кунда ҳам қишлоқ жойларда қўлаб таълим муассасалари, шифоналар, спорт мажмуалари, савдо шохобчалари сингари қатор ижтимоий инфратузилма объектлари бунёд қилинмоқда.

Элчи мамлакатимизда халқаро юк ташиш масаласида муҳим аҳамиятга молик янги коммуникация тизими жорий этилгани хусусида тўхталар экан, Ўзбекистонда йўл-коммуникация тармоқлари такомиллаштирилаётгани катта эътиборга сазовор эканлигини алоҳида таъкидлади. «Ҳадемай Тошкент билан Фарғона водийсини боғлайдиган темир йўлнинг қурилиши хабаридан ҳам қувондик. Транспорт-коммуникация соҳасининг шу тарзда ривожлантирилиши мамлакатининг жажон бозоридидаги ҳамда халқаро транзит тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади», деди малайзиялик дипломат.

Абдул Азиз ибн Ҳорун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ҳамда адолатли фойдаланиш муаммолари хусусида фикр юритар экан, бу борада минтақанинг барча давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш зарурлигини қайд этди. Унинг айтишича, мавжуд долзарб масалалар жажон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларнинг қўлаб-қувватлаши орқали Марказий Осиё мамлакатларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиниши мумкин.

Малайзия дипломатия миссияси раҳбари таъкидлаганидек, ўзбек заминидан 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро тинчлик-хотиржамликда ёнма-ён яшаб, меҳнат қилишмоқда ҳамда уларнинг барчаси Ўзбекистонни ўзларининг умумий Ватани, деб билади. Элчининг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида тенглик ҳамда бағри-кенглик тамойилларининг мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминланишига хизмат қилмоқда.

Хорижлик дипломат Малайзия — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига ҳам алоҳида тўхталди. «Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён барча соҳаларда, айниқса, сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий жабҳаларда икки томонлама шериклик алоқалари жадал суръатларда ривожланмоқда, — деди у. — Мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари Ўзбекистон ва Малайзия фуқаролари учун маданий-гуманитар ҳамда ишбилармонлик муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш имконини бермоқда. Шу ўринда Ўзбекистон ганжинлари ҳисобланадиган Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хива сингари шаҳарлар Малайзияда ҳам жуда машҳур эканлигини қайд этишни истардимки, қўлаб малайзияликлар мазкур шаҳарларга келишни ва уларнинг бутун дунёга донг таратган диққатга сазовор жойларини ўз кўзлари билан кўришни орзу қиладилар».

Суҳбат якунида Абдул Азиз ибн Ҳорун халқимизни Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборақбод этар экан, барча юртдошларимизга ўзининг энг эзгу тилакларини изҳор этди.

«Жаҳон» АА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлиналари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида экотуризмни ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Бухоро вилояти ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ярмаркада 241 корхона, ташкилот ва муассаса 2 минг 993 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада туман ва шаҳарлардаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан касб-хунар коллежларини битирган 155 нафар, вақтинча ишсиз ёшларнинг 231 нафарига ишга йўлланма берилди.

• Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида маҳаллий тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улугбек Ниёзовларнинг саъй-ҳаракати билан эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарадиган «Сайхун текстиль бизнес» ҳамда «Сардор текстиль бизнес» тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув машиналари олиб келиб ўрнатилган ушбу корхоналарнинг ишга тушиши билан 24 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Марказий Осиёда ягона бўлган «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Корхонада жорий йилдан сифатли йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хомашё корхона яқинидаги «Қораумбет» туз конидан олинади.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Аэронавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA томонидан маълум қилинишича, 1977 йилда коинотга учирилган «Voyager-1» фазовий зонди гелиосферани кесиб ўтиб, Қуёш тизimini тарқ этган ҳолда юлдузлараро кенгликка чиқиб, парвозни давом эттирмоқда. Ҳозир «Voyager-1»нинг ердан узоклиги тахминан 18,4 миллиард километри ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ушбу космик аппаратнинг радиоизотоп энергия манбаи 2025 йилгача етади.

• Японияга «Манъи» тўфонининг хуруж қилиши катта муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, мамлакатнинг 20 та музофотида аҳолини хавфсиз жойга қўчириш ишлари олиб борилмоқда, тўфон туфайли транспорт ҳаракати ҳам издан чиққан. Яъни, 500 та ҳаво рейслари бекор қилинган ҳамда поездлар қатнови вақтинча тўхтатиб қўйилган.

• Ўтган йили йилнинг январь ойида Италиянинг Жиньо оролида сув ости қоясига урилиши натижасида чўкиб кетган «Costa Concordia» саёҳат кемасини сув остидан қўтариб олиш ишлари бошланди. Оғирлиги 114 минг тоннадан кўпроқ бўлган кемани сув юзига чиқариш учун бир ярим йилга яқин тайёргарлик қўрилган бўлиб, ушбу тадбирга 500 нафар мутахассис жалб этилган, 600 миллион евродан ошдиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Хорижий сармоя ва хусусий тад-

биркорликда қонунчилик имтиёзлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза

қилиш давлат қўмитаси томонидан Халқаро озон қатламни муҳофаза қилиш кунига бағишланган экологик медиа-тур ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Олмазор туманидаги Тошкент маданият касб-хунар коллежида «Мустақиллик олий нёзмат» мавзусида тадбир ташкил этилди.



ЙЎЛСОЗЛИК ВА КЎПРИКСОЗЛИК:

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан Истиқлол йилларида йўлсозлик ва кўприксозлик қурилиши борасида эришилган натижаларга бағишланди.

Истиқлолнинг ўтган 22 йили мобайнида мамлакатимизда кенг миқёсдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, янги кўприк ва йўл ўтказгичларини бунёд этиш борасида юқори натижаларга эришилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда маҳаллий, республика ва халқаро аҳамиятга молик 42 минг 654 километрлик умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари техник сўз ҳолатда сақлаб келинмоқда. Шунингдек, мустақилликнинг илк даврига нисбатан цемент-бетон ва асфальт-бетон йўллари узуниги 1 минг 279 километрга ошди. Бундан ташқари умумий узунлиги 6645 погон метр бўлган 175 та кўприк, 19 та йўл ўтказгичи ва бешта довод йўли қурилиб, реконструкция қилинди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори муҳим омили бўлмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бошқарма бошлиги Н.Хусановнинг таъкидлашича, юқоридagi қарор ижроси йўлида 2011-2015 йиллар мобайнида 2 минг 306 километр автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилиниши мўлжалланган.

Жумладан, «Бейнау – Бухоро – Навоий – Самарқанд – Тошкент – Андижон», «Фузур – Бухоро – Нукус – Бейнау», «Гулкестон – Охангарон» каби бир қатор йўналишларда автомобиль йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлари ҳамда йўл кесилиш-масидаги транспорт ечимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган ва улар ҳозирда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Миллий автомагистрalli таркибига кирувчи 238 километрлик автомобиль йўли автоуловларнинг эркин ҳаракатланиши учун тўрт тасмали қилиб кенгайтирилганлиги алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Мустақил дйёримизда оилга гамхўрлик конституциявий йўл билан амалга оширилди. Конституциямизнинг учинчи бўлим XIV боби «Оила» деб номланиб, унга тўрт модда (63-66-моддалар) бағишланган. Хусусан Конституциянинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўлинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», дейилган.

Хар бир оила ва хар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш давлат сийсати даражасига кўтарилган. Президентимиз Ислам Каримов бу борадаги вазифаларни ҳақда гапирар экан: «Энг муҳим вазифа — халқчил, адолатпарвар жамиятнинг вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини билладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баянд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади», — деб таъкидлади.

Оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ фуқаролик ҳолати дололатномаларини қайд этиш органларидан тузилади. Шундай никоҳнига ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради. Никоҳнинг тегишли давлат органида қайд этилиши унинг вужудга келганлигини исботловчи бирдан-бир далилдир. Диний расм-русулларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофазасида этиш мақсадига қайд этилади. Никоҳни унинг ижтимоий муҳияти ва мақсадига кўра ҳамда оилани мустаҳкамлаш эҳтиёжини, ёш авлоднинг ахлоқи ва сийхат-саломатлигини ҳисобга олиб, бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланди. Бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари деб юритилди. Улар қуйидагилардан иборат: никоҳ тузиш ихтиёрийдир; никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак; никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади (Оила кодексининг 14-моддаси).

Қонуندا никоҳ тузишга монелик қиладиган қуйидаги ҳолатлар кўрсатилган:

1) лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Республикада хар бир фуқаро фақат ака-никоҳда бўлиши мумкин;

2) нас-насаб шаъраси бўйича тўрт туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

3) лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомаласига лаёқатсиз деб топишган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди (Оила кодексининг 16-моддаси).

Ёшларнинг саломатлиги янги қурилаётган оиланинг тинч-товулиги ва фаровон турмуш омилидан биридир. Шу сабабли давлат томонидан соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга бог-лаш ва тумна касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига асосан никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида беғуп асосда тиббий қўриқдан ўтишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга

асосан никоҳланувчи шахслар руҳий, наркологи, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий қўриқдан ўтказилган. Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки хар иккаласида мазкур Низомда назарда тутилган касаллик аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

Халқимиз қадимдан оилга муқаддас кўрган сифатида қараган. Зеро, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган гўшадир. Юртимизда «Оила йили», «Аёллар йили»,

Ислохотлар оқимида

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ВА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

«Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сийхат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», шу билан бирга қарор «Обод турмуш йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари доирасида юзга яқин ҳужжат тайёрланиб, амалиётга таътиб этилди.

Амалиётдан ҳамда мутахассислар билан бўлган суҳбатлардан маълумки эрта турмушга чиққан қизларда келин бўлиб тушган оиласига моддий ва маънавий қарамлик, ўзини ёлғиз сезиш, руҳий мувозанатини бузилиши, таъсирчанлик, туғруқдан ўта қўриш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бундан ташқари, катталарнинг иксто-ви билан турмуш қуриш мустақил ҳаётга тайёр бўлмаслик, эр-хотинлик масъулияти ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етмасли-гига олиб келади. Олдий муаммо ва қийинчиликларни ҳал қилиш-да таърибанинг етисмаслиги эса оиланинг мустаҳкамлигига, ни-коҳнинг бардавонлигига путур етказди. Афсуски, буғун нафақат қизларни ёш турмушга бериш, балки йигитларимизни ҳам эрта уйлантириш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбеки-стон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш ва аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомилдорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахсининг тўла муомаласига лаёқатли деб эълон қилиниши (эмнансация), никоҳга киришни ҳовловчилар-нинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган ҳойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Бирок ушбу ёшга тўлганлар йигит ва қизларни никоҳ ришталари-ни боғлашда шаръий никоҳларни ўқиш билан қиёоляниб, амалдаги қонунчиликка риоя этилмаётганлиги юқорида айтиб ўтилган салбий оқибатларга олиб келмоқда.

СУД АМАЛИЁТИ ВА СТАНДАРТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

Тошкентда «Суд амалиёти ва одил судлов стандартлари: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократ-лаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан «Минтақавий мулоқот» халқаро ташки-лоти (Словения) билан ҳамкорликда таш-кил этилган тадбирда Олий Мажлис Се-нати аъзолари, Қонунчилик палатаси де-путатлари, Олий суд, жиноят ишлари бўйича судлар судьялари, АҚШ судья-лар корпуси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбо-сари Ш.Ғозиев, Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенатининг Қонун-чилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмита-си раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тан-лаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича олий малака комиссияси раиси С.Ортиқова ва бошқарлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан янгилаш, жи-ноят ва жиноят-процессуал қонунчилик-ни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот-лар кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликла-рини иншонли ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича юзга яқин халқаро ҳужжатга қўшилган, уларнинг ижросини таъминлаш юзаси-дан илчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демок-ратик ислохотларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш концепциясида белгиланган ба-риқларга вазифалар бу борадаги ишлар-ни сийфат жиҳатдан янги босқичга кў-таришда муҳим омили бўлмоқда.

Мазкур халқаро давра суҳбати ҳам ушбу концепцияда белгиланган вазифа-лар ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилди. Ундан қўзланган мақсад — одил судлов самардорлиги ва сийфати-ни янада ошириш, суд ҳокимияти мус-тақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бўйича таърибга аламлишдан иборат.

Мамлакатимизда умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар таш-кил этилди. Уларнинг жиноят ва фуқа-ролик ишларини малакали асосда қўри-қиқаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ҳимоя қилиш бўйича фаолияти са-мардорлиги оширилмоқда. Суд фаоли-ятининг барча босқичида тортилуш та-моили тўла жорий этилгани фуқаро-ларнинг судларга бўлган иншонлини оши-ришга хизмат қилаётди.

Мамлакатимизда дастлабки тергов босқичида суд назоратини қўнайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либе-раллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Маҳаммади Назаров. — Бу борада «Хабас корпус» институти-нинг

жорий этилгани — 2008 йилдан эҳтиёт чораси сийфатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судга ўтказилгани шахс дахлсизлиги қафолатини амалда тўла таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда 2008 йил-нинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилингани жадон ҳамжамиятининг кенг эътибор ва эътирофига сазовор бўлди.

Кассация институти ислох этилиб, суд ишларини қайта қўришнинг апелляция тартиби жорий этилди. Суд амалиётида ярашув институти қўлланилаётганидан буюн 138 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан жиноят ишлари тўхтатилди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган ва халқаро норма-ларга мос қонунчилик шакллантирилиб, мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Жум-ладан, Жиноят кодекси махсус қисми-нинг қатор моддаларига жазога ҳукм этилганлар етказилган моддий зарарини тўлиқ қоплаган ҳолатда уларга нисба-тан озодликдан маҳрум этиш шаклида жазо тайинламаслик ҳақидаги қонун киритилган.

Бундай илчил ишлар самарасида озодликдан маҳрум этиш жазоси қўла-нилган шахслар сони бир ярим баро-бардан кўпроқ қамалди. Жиноий жазо-ларни эркинлаштириш билан боғлиқ кенг қўламли ислохотлар амалга оши-рилиши натижасида Ўзбекистон бугун озодликдан маҳрум этилган шахслар сони бўйича жаҳонда энг паст кўрсат-кунга эга.

Мамлакатимизда демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фу-қаролик жамиятини ривожлантириш кон-цепциясига мувофиқ ишлаб қилиниб, 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада илсол қилиш муносабати билан Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида»ги қонунда айбланувчини лавози-мдан четлаштириш ва шахсини тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар чораларини суд тартибига қўллашни, жиноят ишлари қўзғатиш ҳуқуқини суднинг ваколатла-ридан чиқариб ташлашни, ишни судда қўриш вақтида жиноят иш юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини прокуратурага юклаш назар-да тутилган.

Америкалик экспертларнинг таъкид-лашича, мазкур чоралар Ўзбекистонда дастлабки суриштирув ва тергов ишла-рини амалга оширишда суд назоратини қўнайтириш, «Хабас корпус» институ-тини қўллаш соҳасини кенгайтириш, ишни судда адолатли қўриб чиқиш бўй-ича суднинг ўз асосий вазифасини бажа-ришни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумъитроф этил-ган принциплари нормаларини амалга ошириш имконини бермоқда.

— Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида кейинги ўн йилда жуда кўплаб улкан,

ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди Миннесота штатининг округ суди судьяси Жон Танхайм (АҚШ). — Суд тизими мустақиллигини таъминлаш-га қаратилган амалий чора-тадбирлар туфайли фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш самардорлиги тобора ошмоқда. Соҳага малакали кадр-ларни жалб этишга бўлган эътиборнинг янада қўнайгани ҳам бу ишларни тўлиқ ва сийфатли амалга оширишга хизмат қилаётди. Шу маънода судьяларни танлаб олиш бўйича алоҳида комиссия фаолияти йўлга қўйилгани диққатга сазовор.

Давра суҳбатида мамлакатимизда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларини ижтимоий му-ҳофиза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва со-циал қафолатлар қўнайитиришга ма-саласига ҳам алоҳида эътибор қарати-лди. Бунда давлатимиз етарлича рақам-лиги 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд ти-зими ходимларини ижтимоий муҳофиза қилишни тубдан янгилаш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги Фармони муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилин-ган «Судлар фаолиятини янада тақо-миллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида судья кадрларини танлаш, малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаш-тириш билан боғлиқ вазифалар кўзда тутилган. Шу асосда судьялик лавози-мига номзодлар яхши тайёргарлик кўрган, намунали ҳуқ-қатор ва катта ҳаётий таърибага, ҳуқуқни муҳофа-за қилиш органларида етарлича иш ста-жига эга бўлган юқори малакали кадр-лар орасидан танлаб олинмоқда.

Америкалик экспертлар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, ту-ман (шаҳар) суди ҳамда ҳўжалик суди-нинг судьяси лавозимига ўттиш ёшдан киши бўлмаган, олий юридик маълумот-ли, юридик ихтисослиги бўйича қамда беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланиши мумкинлигига олди талаб-ларга юксак баҳо берди.

Айниқса, бйрламчи захирачи бевоси-та Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва ла-возимларга тасвия этиш бўйича олий малака комиссияси барча ҳуқуқни му-ҳофиза қилиш органлари иштирокида шакллантирадиган механизм алоҳида қизиқлиқ уяғотди. Қайд этилган ушбу захира Олий малака комиссиясининг судья кадрлари захираси сийфатида белгиланади.

Халқаро давра суҳбатида ривожлан-ган демократик давлатлардаги замона-вий тенденциялар ва халқаро стандар-лар таҳлил этилиб, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича қонунчилик база-сини янада тақомиллаштириш юзаси-дан атрофича фикрлашилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Ҳозирда, шаҳар ҳудудидаги вояга етмаганларнинг тарбияси билан боғлиқ жиддий муаммолардан бири вояга етмаганлар ўрта-сидаги эрта турмушга чиқиш ва эрта туғруқ ҳолатларидир.

Ушбу жиддий муаммонинг олдини олиш борасида ота-оналар-нинг жавобгарлигини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси-нинг бир қатор қонунларига ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, 2013 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун имзоланиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодекснинг 47-моддасига қўшимча 47-моддаси кирити-либ, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муноса-батларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс-лар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахс эрга бериш ёки уйлантириш ҳамда никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ ту-зишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддасига қўшимча «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, унга кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилиш маъмурий жавобгарлик қўла-нилангандан кейин содир этилган бўлса, жазима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд уч ойга қамок жазоси билан жазоланиши қайд қилинган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар то-монидан никоҳ ёшига етмаган шахсини эрга бе-риш ёки уйлантириш шундай қилиш учун маъ-мурий жавобгарлик қўлланилгандан кейин со-дир этилган бўлса, жазима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд тўрт ойга қамок билан жазоланиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оши-риш, шундай қилиш учун маъмурий жавобга-рик қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойга қамок билан жа-золаниши қайд қилинган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз, туғилишлар ва фарзандлар сони чекланмаётгани йўқ. Қанча фарзанд қўриш хар бир оиланинг ўз хоҳиши ва ҳуқуқи. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, фақат Соғлом онанагина соғлом фарзанд дунёга келади. Яъни — жиддий касаллиги бор, туғруқ ёшига тўлма-ган вояга етмаганлар ўртасида ҳомилдорлигининг олдини олиш ҳисобига соғлом фарзанд туғилишига эришиш, майиб-мажруҳ ва ногирон болалар туғилиши, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш асосий масала ҳисобланади.

Бу ҳақда бутун мамлакатимиз миқёсида бонг урилиб турган бир вақтда, айрим фуқароларнинг мана шу оддий ҳақиқатни яши тушу-ниб етмаётганлиги, ҳамон ўзларининг фуқаровий бурчларига масъу-лият билан ёндошмаётганлиги бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тасвиесига кўра, шу-нингдек, ўтказилган қўплаб чуқур ва атрофича таҳлилларнинг кўрсатиши бўйича аёлларга соғлом фарзанд қўриш учун мақбул (оптималь) ёш 20-30 ёш оралиғидаги муддатлар ҳисобланади. Биз-нингча, бунга бошқа бир изоҳ беришга ҳоҷат бўлмаска керак.

Юқорида қайд этилган қонуннинг қабул қилиниши вояга етма-ганларнинг, айниқса ёш қизларнинг эрта турмуш қуришининг, келажақда ҳали жисмоний жиҳатдан тўлиқ шаклланмаган ёшлар-дан ногирон болалар туғилишининг олдини олишга ва оила мус-таҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир.

**Илҳомжон УСМАНОВ,
Учтепа туман прокурори**

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви, Солиқ ҳамда Банк-молия академиялари ҳамкорлигида бугунги давр талабларига жавоб берадиган, профессионал, маънавий ва сийсий етук раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Солиқ академияси ректори Э.Ғадов, Банк-молия академияси ректори А.Бекмуродов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва солиқ хизмати соҳаларида замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маҳаллий давлат орган-лари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёр-лашга ихтисослашган, давлат ва жамият бошқаруви со-ҳасида фундаментал ҳамда илмий-амалий изланишлар олиб бориладиган таълим муассасаларидандир. Бу ерда кадрлар «Давлат бошқаруви» ва «Жамият бошқаруви» мутахассисликлари бўйича икки йиллик таълим дасту-ри асосида ўқитилиб, магистрик даражаси берилади.

Шунингдек, бошқаруш кадрларни тайёрлашга мўлжалланган тўрт ойлик ўқув курсларида 2012-2013 ўқув йилида турли соҳалар, жумладан, фан ва таълим, музоффа, банк тизими, кишлоқ ҳўжаллиги соҳаларидан юз нафарга яқин тингловчи қабул қилинди. Жорий йил-нинг ўтган даврида 246 нафар раҳбар кадр — Қорақал-поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбо-сарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчи-лари, туман ва шаҳар ҳокимлари малакасини оширди.

Академия қатор хорижий ташкилотлар ва ўқув муас-сасалари билан бошқаруш тизимини мустаҳкамлаш ва маҳаллий бошқаруш органлари салоҳиятини ошириш борасида илчил ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Айни пайт-да БМТ Тараққиёт дастурининг маҳаллий бошқаруш ти-зимини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси асосида маҳаллий ҳокимият ҳодимларини масофавий ўқитиш учун он-лайн ўқув портали тайёрланмоқда.

Академияда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, тингловчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби халқа-ро андозалар асосида ташкил этилган. Хусусан, таъ-лим жараёнида ҳодимлар ва тингловчиларнинг хори-жий тилларни пухта ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Раҳбар кадрларнинг хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини муҳаммал ўрганиши борасида Банк-молия академиясида ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Мазкур академияда бой таърибага эга, раҳбарликка номзод кадрлар магистратуранинг тўрт йўналишида таҳсил олади. Уларнинг хорижий тиллар ва ахборот техноло-гиялари борасидаги билими алоҳида синовдан ўткази-лади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ давлат солиқ х

Тадбирлар

ИФТИХОРИМСАН,
ВАТАН

Шубҳасиз, ҳар бир байрам ўз моҳияти, аҳамияти билан алоҳида ўрин тутати. Мустақиллик ҳалқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиришга имкон берди. Истиқлол барча юртошларимиз учун ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намойён этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан ҳам қадрлидир.

Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим маҳалла гузарига бўлиб ўтган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остидаги «Мустақиллик — энг улуг, энг азиз неъмат» мавзудаги маънавий-маърифий тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тадбир Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Нодирабегим маҳалласи фаоллари томонидан ташкиллаштирилди. Унда эл суйган санъаткорлар, шоирлар иштирок этишди.

— Истиқлолимизни бир чаман десак, унинг соҳибни бўлмиш ҳалқимизни ана шу гўзал даргоҳнинг булбули, орзулари бир олам, ўз келажагини ўзи қўли билан яратётган моҳир бунёдкорига менгизганимиз мумкин, — дейди ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ижроия қўмитаси

раиси ўринбосари Феруза Хаитова. — Ёғдулашиб эзгулик нурини сочаётган турфа ранглари орасида Истиқлол иншоотлари узоқ-узоқлардан янада жозибали ва муҳташам кўринмоқда. Мустақиллик неъматлари унинг ҳар бир қадамида сезилаётди. Уларнинг асосида эса ягона Ватан, унинг қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим деб яшаётган ҳар бир инсоннинг тинимсиз меҳнати ва куч-ғайрати мужассамдир.

Тадбир давомида эл севган хонандаларнинг чиқишлари, театр актёрларининг қизиқарли саҳна кўринишлари, иқтидорли эстрада хонандаларининг қўшиқлари «Гулшан», «Феруза», «Юлдуз» маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган куй ва қўшиқлар, саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

Гулнигор САТТОРОВА

Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини сарбаланд этиш — ҳар бир спортчимизнинг олий мақсади.

Мамлакатимизнинг етакчи спортчилари қатори таэквондо (WTF) билан шуғулланаётган йигит-қизлар ҳам 2016 йили Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиадада муносиб қатнашиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори бу жараёни замон талаблари асосида ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

— Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортнинг барча турлари каби таэквондо ҳам изчил ривожланимоқда, — дейди Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси бош қотиби Аббос Латипов. — Бугун мамлакатимизда йигирма мингдан ортиқ ўғил-қиз таэквондонинг «кёруги» — яккама-якка кураш йўналиши билан мунтазам шуғулланимоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг таэквондо бўлимида 120 нафардан зиёд юқори малакали мутахассис, мураббий ва мураббия тайёрланаётди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабларида таэквондо (WTF) бўлимлари, қатор спорт секциялари ва тўғарақлари мамлакатимиз олимпия захираларини мустахкамлаш учун маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Таэквондо — Олимпия оиласидаги энг ёш спорт турларидан. Олимпиадада таэквондо мусобақалари 2000 йилдан ўтказиб келинмоқда. 1973 йилда тузилган Жаҳон таэквондо федерацияси икки юздан зиёд миллий федерацияни бирлаштирган. Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси 1993 йилда Жаҳон таэквондо федерациясига аъзоликка қабул қилинган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда таэквондонинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган «кёруги» йўналиши кенг омалашмоқда. Ўзбек таэквондочиларидан Рашид Аҳмедов ўсмирлар, Эдуард Хегай ва Акмал Эргашев катталар ўртасида таэквондо WTF бўйича жаҳон чемпионатларида кумуш, Евгений Ли ва Ирина Дергач бронза медалларга сазовор бўлган. Ўзбекистон таэквондо усталари Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатларида йигирма медални қўлга киритган. Бундай юксак натижалар самарасида мамлакатимиз таэквондочилари дунёдаги энг кучли ўн жамоадан бири сифатида эътироф этилмоқда.

2016 йили Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик дастурига мувофиқ, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси раҳбарияти минтақавий федерациялар фаолиятини кучайтириш, моддий-техник базасини мустахкамлаш, машгулот ва мусобақаларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун шароит яратиш, халқаро майдонда юксак натижалар кўрсатишга қодир спортчи-

ларни саралаб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

— Олимпиадага тайёргарлик дастурига биноан олимпия захирасини истеъдодли ёшлар билан бойитиш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб селекция ишларини амалга ошираётимиз, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббий Пахлавон Собиров. — Жорий йилнинг ўзида барча вилоятлардан жами 60 нафар спортчи саралаб олинди. Пойтахтимизда ўтган якуний босқичда улар ўн беш нафар мураббий кузатувида узоқ ва яқин масофага югуриш, умумий жисмоний тайёргарлик ва яккама-якка кураш бўйича синовдан ўтди. Энг юқори натижа кўрсатган 17 таэквондочи танлаб олинди. Улар орасидан энг кучли етти нафа-

Қарор ва ижро

ОЛИМП ЧЎҚҚИСИНИ
КЎЗЛАБ...

Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

ри эса терма жамоамиз сафида халқаро миқёсдаги чемпионат ва мусобақаларда қатнашди.

Ўзбекистон ўсмирлар ва катталар терма жамоалари халқаро мусобақаларга тайёргарлигини Таэквондо (WTF) ассоциацияси тасарруфидagi спорт мажмуасида олиб боради. Пойтахтимизда жойлашган бу замонавий иншоотда машгулотлар ҳафтасига олти кун, уч маҳалдан давом эттирилмоқда. Жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машқларидан ташқари маънавият дарслари ҳам ўтказилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан чўчимади.

Таэквондочиларимиз машгулотларда ўзлаштирган билим-кўникмаларини расмий мусобақаларда синовдан ўтказмоқда. 2013 йилнинг март ойида Гамбург шаҳрида ўтган «Германия опен» халқаро турнирида Жасур Бойқўзиев олтин, Баҳром Абдуллаев бронза медални қўлга киритди. Июль ойида Жанубий Кореяда ўтказилган «Чун-чон Корея опен — 2013» халқаро мусобақасида иқтидорли ёш спортчилардан Умида Абдуллаева, Мадина Рўзиева, Нигора Турсункулова, Ёсинхўжа Зиёвуддинов, Аббос Алиқулов,

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда «Атроф-муҳит ва экология масалалари ечимини топишда секторлараро ҳамкорлиқни кучайтириш учун экологик хабардорликни ошириш» лойиҳаси доирасида «Биргаликда шаҳримизни обод этайлик!» шiori остида веломарафон ўтказилди.

БИРГАЛИКДА ШАҲРИМИЗНИ
ОБОД ЭТАЙЛИК!

«Бунёдкор» метро бекатидан старт олиб, «Туркистон» саройида якунланган «Веломарафон»да Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат ва унинг «Ёшлар қаноти» фаоллари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, вазирилик ва идоралар мутахассислари, талабалар ҳамда ОАВ ҳодимлари иштирок этдилар.

Велотранспортни омалаштириш, унинг инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтирилган экоакция бўйича ўтказилган мазкур веломарафондан ёшларни спортга, соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилган ҳолда уларнинг бўш вақтларини маъмул ташкил этиш каби мақсадлар кўзда тутилган. Шунингдек таъкидлаб ўтиш жоизки, велосипед атроф-муҳит учун зарарсиз, моддий жиҳатдан қулай, соғлиққа фойдали ҳисобланиб, унда фойдаланган инсон ҳаммиса соғлом, руҳи эса тетик бўлади. Велосипедни бошқариш учун махсус ҳуқуққа эга бўлиш талаб этилмаса-да, уни бошқаришни истаган киши муайян қоидаларни билиши лозим.

«Веломарафон» акцияси доирасида пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик мутахассислари, эколог-педагоглар жалб этилган ҳолда болаларнинг экологик ва йўл ҳаракати хавфсизлиги борасидаги билимларини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ҳам ташкил этилиб, тегишли зарурий тушунчалар берилди. Жумладан, велосипеднинг товуш чиқариш мосламаси билан жиҳозланган ва тормози соз бўлиши, олд томонига оқ рангли, орқа томонига қизил рангли

чирокча ёки қизил рангли нур қайтаргич, ён томонларига эса зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши керак. Автотранспорт воситаларининг катта тезликда ҳаракатланишига мўлжалланган, бошқа йўллар билан туташмайдиган автомагистралларда, «Велосипедда ҳаракатланиш тақиқланган» йўл белгиси ўрнатилган йўлларда велосипедларнинг ҳаракатланиши мумкин эмас.

— Экологик тоза транспорт тарафдорлари қаторида мен ҳам ушбу веломарафонда фаол иштирок этдим, — дейди хаваскор велопоёғачи Абдуносир Назаров. — Ушбу беллашув ёшлар ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини мустахкамлаш, шунингдек, хаваскор велопоёғачилар ўртасида велоспортга бўлган қизиқишни янада ошириш, умуман олганда, экологик тоза велотранспорт ҳамда велоспортни тарғиб этиш ва омалаштиришга хизмат қилади.

«Веломарафон» якунида «Туркистон» саройининг ёзги биносиди Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва тадбир иштирокчилари учун «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг хушовоз хонандалари ижросида концерт дастури ташкил этилди. Концерт давомида пойтахтимиздаги бешта Меҳрибонлик уйига ташкилотчилар томонидан велосипед олиш ҳуқуқига эга бўлган сертификатлар топширилди. Беллашув иштирокчиларида ушбу лойиҳа ва концерт дастури катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
Бобобек МАҲРАМОВ,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика
факультети талабалари

Нурлан Бойхўжаев, Жавлон Рустамов, Ниёзбек Пўлатов олтин медалга сазовор бўлди, ана битта кумуш ва бешта бронза медал қўлга киритилди. Август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида Фанижон Хурилов ва Динора Мамадиброҳимова бронза медалга лойик топилди.

— Ҳар бир спортчи ўз галабаси билан Ватанини шарафлашни орзу қилади, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Осиё вице-чемпиони Жасур Бойқўзиев. — Мамлакатимизда биз, спортчилар ҳам ўз қобилиятимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимизни намойён этишимиз учун кенг имкониятлар яратилган. 2016 йили бўладиган Олимпия ўйинларида мундариб қатнашиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашни мақсад қилганмиз.

2014 йилги спорт мавсумида ҳам масъулиятли мусобақалар кўп. Хусусан, апрель ойида Тошкент шаҳри таэквондо (WTF) бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилади. Қитъамизнинг энг кучли таэквондо усталари майдонга чиқадиغان ушбу мусобақада ҳамюртларимиз яккама-якка беллашув ва комплекс машқ бажариш бўйича ўз маҳоратини намойиш этади.

Жаҳон таэквондо федерацияси 2014 йилдан эътиборан кадетлар — 14 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида жаҳон биринчилигини ўтказишга қарор қилди. Жаҳон чемпионатининг дастлабкиси 2014 йилнинг февраль ойида Боку (Озарбойжон) шаҳрида бўлади. Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси раҳбарлари айна пайтда бўлажак чемпионатда қатнашадиган терма жамоани шакллантириш учун ёш спортчилар орасида кузатув ва саралаш ишларини давом эттирмоқда.

— Шу йилнинг октябрь ойида кадетлар ўртасида бўладиган мамлакатимиз биринчилиги жаҳон чемпионатида саралашнинг сўнгги ва асосий босқичидир, — дейди Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциациясининг иқтидорли спортчиларини танлаш бўйича бош мутахассиси Бобур Қўзиев. — Синовлардан муваффақиятли ўтган ёш таэквондочилар терма жамоа сафида кадетларнинг илк жаҳон чемпионатида қатнашади ва улар келажақда олимпиячилар захирасидан жой олади.

Шунингдек, 2014 йилнинг март ойида Хитой Тайпейида таэквондо (WTF) бўйича жаҳон саралаш турнири бўлади. Унда дунёнинг кўпалак мамлакатлари вакиллари қатори саккиз нафар таэквондочимиз ҳам таэквондо бўйича жаҳон саралаш турнирида иштирок этади. Унда дунёнинг кўпалак мамлакатлари вакиллари қатори саккиз нафар таэквондочимиз ҳам таэквондо бўйича жаҳон саралаш турнирида иштирок этади.

Ҳа, Олимпия ўйинларида йирик спорт анжуманларида галаба қозониш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир олимпиячига доимий эътибор, тинч ва осойишта турмуш, замонавий шарт-шароитда пухта тайёргарлик ҳамда малакали мураббийлар кўмаги керак. Озод ва обод Ўзбекистонимизда бу омилларнинг барчаси мавжудлиги спортчиларимизнинг Олимп чўққисини забт этишига катта умид ва ишонч бағишлайди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Куз неъматлари

ПОЛИЗНИНГ ТАНТИ
ПАҲЛАВОНИ

Тарвузнинг хосиятлари минг йилларча бурун ҳам маълум эди. Халқ табобати амалиётида тарвуздан синалган, беозор шифобахш неъмат сифатида кўҳна замонлардан бери фойдаланиб келинади.

Ҳинд табибларининг ёзишларига қараганда, тарвуз ишлаҳани очади, кўз касалликларида ижобий таъсир кўрсатади, танани совутиб, тинчлантиради, тери касалликларидан муҳофаза этади, тери ёрилишига барҳам беради.

Табобат илмининг билимдони Мухаммад Аъзамхоннинг «Муҳити Аъзам» китобида қайд этилишича, тарвуз заъфарон сингари одам танасидаги заҳарли, даҳмаза (болласт) моддалардан холи қилади, пешобнинг оғриб оқишига хотима беради, киши жуссасининг ортисидаги омилкорлик қилади.

Халқ табобатида тарвуздан пешоб ҳайдайдиган, ҳароратни туширадиган, яхшигина чанқоқ қолдирадиган ишончли восита сифатида фойдаланилади. Тарвуз шарбати кўз саригини кетказишда, жигар, буйрак хасталикларидида тавсия этилади. Шунингдек, тарвузнинг қуритилган пўчқаларидан тайёрланган дамлама-чай ўткир ва сурункали йўғон ичакнинг яллиғланишида, болалардаги қулунж касаллигида шифо ато этувчи доривор бўлиб хизмат қилади.

Замонавий тиббиётда полиз «пахлавони»нинг шифобахш хусусиятларидан атрофлича фойдаланилади. Тарвузнинг тибдаги ўрнини таърифлашдан олдин, унинг шарбатида мавжуд бўлган ҳаётбахш моддаларни санаб ўтишга тўри келади. Чунки, тарвузнинг этили қисмида 15 фоизга қадар карбонсувар (глюкоза, фруктоза, сахароза), дармондорилардан В1, В2, В6, РР, С бор. Шунингдек, тарвуз этида 169 мг фоиз микродорида алиштириб бўлмай-диган аминокислоталар, чункички валин, изолейцин, лейцин, лизин, метионин, треонин, трептофан, фенилаланин бўлади. Алиштириш бўладиган аминокислоталар микдори 589 мг фоизга боради. Тарвуз шарбатида макро ва микроэсирлардан кальций, магний, калий, фосфор ва бошқа маъданли тузалар шодаси жамланган. Тарвуз уруғи таркибида 40 фоизгача ёғ, 35 фоизгача оксидли моддалар, фитостерин, каротин мавжуд бўлиб, тарвуз вазнининг қарийб 80 фоизини сув ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, тарвуз — шифобахш моддалар хазинаси. Унинг таркибидаги фруктоза қандли диабет касаллигида фойдали манбалардан ҳисобланади, чунки фруктоза бу дард билан оғирганларга ботимли ҳисобланади. Неъматдаги клетчатка салмоқли микдорда бўлганили туфайли, у ичак ҳаракатини кўзгатади, ҳазмин яхшилайди, ортиқча микдордаги холестеринни танадан чиқиб кетишига омилкорлик қилади. Камқонлик, жигар, ўт нуфайи касалликларидида пором келди, пешоб акратии йўлларидаги тош ва қумларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради, ана шу хасталикларда даво сифатида парҳез буюрилади.

Ҳозирги замон тиббиётида тарвуз юрак-томирлар тизими, буйрак хасталикларидида қўлланилади, чакмазак, пиелонефритда, сафро-тош дарди, сурункали қулунж, камқонликда муносиб даво сифатида буюрилади.

Ўлкамизда деҳқонлар томонидан эртапишар «Човқари», «Ўзбекистон-452», ўртапишар «Мармар», «Кўзибой», «Чинни», кечпишар «Ҳайит қора», «Қуба қироли», «Оқнайнов» каби тарвуз навлари етиштирилмоқда. Улар ўз навбатида серширалиги ва сақланиш муддати билан ажралиб туради.

Серкўш ўлкамизнинг барча ерлари тарвуз учун етиштирувчи маскан бўла олади. Уни ҳатто саҳро ва чўлларда ҳам ўстириш мумкин. Заминпарвар зироаткорларимиз бунинг улдасидан чиқмоқдалар. Жумладан, чўлда ўсадиган янтоқни кесиб, илдиизига тарвуз уругини ниқтаб қўйилса шифобахшлиги билан ажралиб турадиган мева беради. Бундай усулда етиштирилган тарвузлар ниҳоятда шифобахш бўлади. Чунки янтоқ илдииз жуда чуқурга боради, унинг узунлиги 15-20 қулочгача бориши мумкин. Ўша чуқурликда инсон саломатлигига жуда пором келадиган моддалар мавжуд. Янтоқда етиштирилган тарвуз ҳатто «ярақон» сариқ касаллигига даволик қилади, бундай неъмат таркибида умуман нитратлар бўлмайди.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент транспорт касб-хунар коллежи ўз ошхонасини ижарага бериш учун танлов эълон қилади.

Аризалар эълон қабул қилинган қундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Чилонзор тумани, Д 20-35а-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 216-21-74, 216-38-54



Тошкент шаҳрида 18 сентябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан селкунда 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 18 сентябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратмади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўнайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

